



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-йил, 7-декабр. Shanba • 148-149 (31.739)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

«Соғлом бола йили»нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман».

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига
бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадри дўстлар!

Аввало, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур хурматим ва меҳримни билдириш — мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўлман.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаси — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 21 йиллигини нишонлаш. Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб ном қозongan, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужасам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодийни мафқурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим.

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнташлар йўли қандай аянчали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Бунга ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислохотларимиз негизда турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокими-

ятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодийтимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мўлкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи қўлга айланиб бораётган фермерлиқни ривожлантириш учун қўлай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мўлк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб боришга иқтисодийтимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлиқнинг тараққиёти, хусусий мўлкнинг жадал ривожини унот қилмай ва устувор шароитларни яратиш берад эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодийтимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолиимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришилаётган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак. энг асосийси — бу ислохотларнинг мазмунини ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Такрор айтишга тўғри келади — фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган машҳур шiorлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли

турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айни шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далolat беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамаздан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далolat беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмапти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобидан 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобидан қарийб 14 миллиардга ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодийтимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўللар ва автомобиль йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

(Давоми 2, 3-бетларда.)



2014 йил — БИЗНИНГ ЙИЛИМИЗ БЎЛАДИ!



Нодирбек АБДУСАТТОВ,
Шоҳмат
бўйича жаҳон чемпиони



Наима НИҒМОНОВА,
Бадий гимнастика бўйича
Тошкент шаҳар чемпиони,
бўлғуси жаҳон чемпиони



Искандар МАМАДАЛИЕВ,
Пианино бўйича халқаро
танловлар Гран-присининг
беш карра соғирдори

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислам Каримов 6 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинч-

лиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнат ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий

унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 6 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

(Давоми 4-бетда.)

Тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат номандалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислон Каримов 6 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

— Авваломбор, бугун мана шу мухташам залда сиз, азизларни Конституция куни билан табриклаб, сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сўхат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислон Каримов. — Сиз, мухтарам юртдошларимизни давлат мукофотлари билан шу байрам арафасида қутлаш, табриклаш яхши бир одатга, аънамага айланган қолди.

Бугун мана шундай тантанали маросимда сиз, азизларга ана шу юксак мукофотларни топшириш мен учун шарафли вазифа бўлиб, сизларнинг қаторингизда ўзимга ҳам қатта хурсандчилик етказмоқда, десам, қўнғилимдаги гапни айтган бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бирга давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизни бағримга босиб, уларни ҳам чин қалбимдан табриклаш менга чуқур мамнуният етказди, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз, эл-юртимиз олдимизда турган буюк, юксак мақсадлар сари, демократик давлат, эркин жамият, обод ҳаёт куриш йўлида дадил қадамлар қўлиб, қўлга киритаётган ютуқ ва марралар албатта барчамизга чек-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

сиз гурур ва ифтихор бағишлайди. Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётганига, бу инқирознинг чуқур таъсирига қарамаздан, Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлида дунёда камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривож топиб бораётгани бугунги кунда ўзгаларнинг ҳавасини тортмоқда, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз қўлга киритаётган ютуқлар, авваломбор, иқтисодий-тимизнинг барқарор суръатлар ва дадил қадамлар билан ўсиб бораётганининг натижасини ҳар қадамда халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганида кузатиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай туб ўзгаришларни турли-турли соҳаларда — бу қишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш ва транспорт бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илму фан, маданият ва спорт бўладими, биз-нес соҳасими, сизлар меҳнат қилаётган барча тармоқларда, ҳаётимизнинг ҳар қайси бўғинида қўриш мумкин.

Шу билан бирга, ҳеч кимга сир эмас, бундай ривож топиш, тараққиёт йўлида жадал илгарилар бориш учун авва-

ламбор қанча-қанча оғир меҳнат қилиш, қанча синовлардан ўтиш, керак бўлса, қанча-қанча ақл-заковат, мардлик ва матонат, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга топширилган вазифани сидқидилдан адо этиши-миз талаб қилинади, десам, бу фикрга сизлар албатта қўшилисиз, деди давлатимиз раҳбари.

Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, биз қўлга киритаётган марраларнинг асосий мезони ва омили — бу биринчи навбатда одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқарши, кайфияти ўзгараётгани, ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини чуқур англаб бораётгани, сиёсий ва ижтимоий савияси ошиб бораётганининг натижаси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Бугун биз сизларнинг тим-солингизда минг-минглаб меҳнатчиларимизни — миришкор деҳқон ва фермерларимиз, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва муҳандисларимиз, меҳрибон устоз-мураббийлар ва домлалар, жонқуяр шифокорларимиз, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги ютуқлари билан Ватанимизни дунёга танитаётган инсонларнинг энг муносиб намояндаларини кўрамыз.

ЎзА

Меҳнат ва қадр



Тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаяётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топтоқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамлини, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамнинг яна бир муҳим жиҳати, шу кунни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, вонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаяётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топтоқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамлини, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамнинг яна бир муҳим жиҳати, шу кунни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, вонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаяётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топтоқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий

Халқимизнинг ҳаёт сифати

ЎзА

Ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг юксак эътирофи

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Президентимиз Ислон Каримов фармонларига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тақдирланган эди. Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирга шаҳар фаоллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, қурилиш, транспорт, саноат, ободонлаштириш соҳаси вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари таклиф этилди.

Тошкент шаҳрининг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодий-иқтисодийдаги ўрни ва аҳамияти беқўсқидир. Мамлакатимиз тарихига Обод турмуш йили сифатида муҳрланаётган 2013 йилда пойтахтимизда ҳам кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маърифий, ижтимоий объектлар, спорт иншоотлари, таълим муассасалари, гузарлар барпо этилди. Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Юртбошимиз ташаббуси билан кўнча ва хамиша навқирон шаҳарнинг тарихий марказларидан бўлиб Хадра майдони янада кўркем қиёфа касб этди. Навоий кўчасидаги автотранспорт воситаларининг тирбандлигига барҳам берилди. Кўркем болалар майдончаси, ям-яшил майсазорлар, дов-дарахтларга бурканган файзли хиёбон барпо этилди. Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имкониятларини янада кенгайтириш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фаввора бунёд этилди. Бу йўналишдаги кенг қўламли эзгу савий-ҳаракатлар самарасида Тошкент дунёнинг экологик жиҳатдан тоза ва яшаш қулай бўлган шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилди.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилётган ислохотлар Ватанимиз салоҳиятининг тобора юксалиши, кўплаб янги иш ўринларини барпо этиш, халқимиз ҳаёт фаровонлигининг муттасил юксалиб бораётганида асосий омил бўлмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-

механика заводи импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларининг корхонанинг ўзиди ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз машинасозлик саноатини янада раванқ топтиришда муҳим ўрин эгаллади.

Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги қатта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди.

— Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий аънава ва кадрларимизни асраб-авайлаш, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳаллаларнинг ваколат ва имкониятларини тобора кенгайтириш, уларнинг мавқеини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шўрат» медали соҳиби Бахтиёр Саидов. — Бундай ғамхўрлик ва эътибор юртимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, фуқаролараро тотувлик, ҳамжихатлиқни асраб-авайлаш, ёшлар тарбияси йўлида доим масъулият ва огоҳлиқни ҳис этиш, ҳамиша ижтимоий фаол бўлиб меҳнат қилишга ундайди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий аънаваларимизнинг бардавомлигини таъминлаш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бугунги мураккаб ва шиддатли замон адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт соҳаси фидойилари зимма-

ЎзА

Ўзбекистонда болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси юксак даражада

Бу халқаро экспертларнинг фикри

2013 йил 4-5 декабрь кунлари пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамғармаси ҳамкорлигида «Болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш — фаровон ва тараққий этиб боровчи жамият асоси» мавзусида халқаро форум ўтказилди.



(Давоми 6-бетда.)

Келажаги буюк давлат

мустаҳкам қонунлар асосига қурилади



Азизжон РИХСИЕВ ошган сурат.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида «Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, турмуш фаровонлиги кафолати» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Адлия вазирлиги, Конституциявий суд вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Темурийлар тарихи давлат музейи мутахассислари ҳамда «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ЎзХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, маҳаллий кенгашларида қўллаб-қувватлаш, семинар-тренинглар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди. Мазкур илмий-амалий семинар ана шу тадбирларнинг мантикий давоми бўлди.

Тадбирни **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон КЕТМОНОВ** кириш сўзи билан очди.

— Қонун устувор бўлган жамиятда ҳар соҳада ривожланиш, тараққиёт кузатилади, — деди партия етакчиси. — Конституциямиз мамлакатимизнинг Бош ҳуқуқий ҳужжати, ҳаётимизнинг мезони ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир жаба-хаси, одамлар кундалик ҳаёти Бош Қомусимизда белгиланган меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис уни чуқур ўрганиш, ҳаётимиздаги аҳамиятини англаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қўламда олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, партияимизнинг асосий гоёси ҳисобланган аҳолининг эҳтиёжманд вакиллари кўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг Конституцияда алоҳида эътиборга олинган партияимиз електорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу

боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, партия фаоллари Бош Қомусимиз тарғиботида доимий равишда жиддий эътибор қаратиш, у асосида қабул қилинган қонунлар ихроси устидан жойларда самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши зарур.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатда демократик таъминот қарор топганлигининг муҳим ҳусусиятларидан бири жамиятда кўппартиявийлик тизимининг мавжудлигидир. Ўртимизда бу таъминот, энг аввало, Конституциямизда мустаҳкамланган. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 60-моддасида «**Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар**», дейилган. Шу боис сиёсий партия Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиши, жамиятни янада ривожлантириш учун ўз дастурий гоёларидан келиб чиқиб, муқобил таклифлар бериши, ўз електорати манфаатларини самарали ҳимоя қилиш юзасидан янада ташаббускор бўлиши талаб этилади.

Фотима ҲУСАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси:

— Дарҳақиқат, қонун-қоидага риоя қилиб яшаш мамлакатни ривожлантиришга қўшилган ҳисса ҳисобланади. Чунки, қонунчиликни яхши тушунган инсон биринчи навбатда ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймайди. Ўзгалар билан манфаати тўқнашган ҳолда қонунга асосан иш қўради. Шу маънода Конституция ҳар бир фуқаро учун дастуруламал бўлиши керак. Шунда ҳар жабада қонун устуворлиги таъминланади, мамлакат ривожланади. Таъкидлашни истардимки, Конституция сиёсий партияларга ўз

електорати ҳамда хайрихоҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун кенг ҳуқуқ берган. Бугунги кунда ана шундан самарали фойдаланаётган ЎзХДП ҳам жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ташаббусларини амалга ошираяпти.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, Амир Темуր жамғармаси бошқаруви раиси:

— Муқаммал, халқчил, пухта ишлаб чиқилган Қомус мамлакатни изчил тараққий эттириш, давлатни жаҳонга танитишга хизмат қилади. Конституциямиз ана шундай ҳар томонлама муқаммал ишланган ҳуқуқий ҳужжатдир. Тарихдан маълумки, Амир Темури салтанати дунёдаги энг йирик давлатлардан бўлиб, илм-фан, маданият, таълим, бунёдкорлик ишлари изчил тараққий этган. Тарихчилар бунинг бош омил сифатида мамлакатда Амир Темури томонидан ишлаб чиқилган қонунларнинг устуворлиги, «Темури тузуқлари»да белгиланган қонун-қоидаларнинг ҳаётга кенг жорий қилинганини кўрсатишади.

Демак, биз ҳам асосий қонуни-мизда белгиланган меъёрларга амал қилсак, давлатимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари каторига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Бону АЗИЗОВА, Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти аъзоси:

— Конституцияда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга илм олиш, касб-хунари ўрганиш, ишга жойлаштириш, истеъдодини кенг намоён этиш учун муносиб шароит яратиш бўйича муҳим меъёрлар белгиланган. Шу боис бугун ёшлар ҳар бир соҳада катта ўтуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, партияимизнинг «Истикбол» ёшлар қаноти атрофида жипслашган йигит-қизлар ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, ўз билим ва кўникмаларини жамият равнақи учун сарфлашга интилаяпти. Қанот томонидан жорий йилда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Ҳар йили ёшлар ўртаси-

да «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, 2014 йил учун ҳам режа ишлаб чиқилди. Хусусан, келгуси йилда «Бугунги талаба — эртанги мутахассис», «Ватанимиз тараққиётига масъулмиз», «Биз — партия сафидамиз» каби мавзуларда тадбирлар ташкил этиш мўлжалланган. Бу каби лойиҳалар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайман.

Семинар доирасида Конституция кун муносабати билан ЎзХДП барча минтақавий кенгашларида ўтказилган «Конституция билимдони» танловининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бўйича ғолиблари тақдирланди. Уларга партия Марказий Кенгашининг фахрий ёрликлари ва совғалари топширилди.

Сарвар КҮЧҚОРОВ, «Истикбол» ёшлар қаноти Оҳангарон туман бўлими аъзоси, «Конституция билимдони» танлови ғолиби:

— Бугун мамлакатда юз бераётган демократик ислохотларни ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу жараёнда улар ўз таклиф ва ташаббуслари билан фаол қатнашмоқда. Бунинг асосий сабаби Конституциямиз ҳақ-ҳуқуқларимизнинг мустаҳкам кафолати эканидир. «Конституция билимдони» танловида иштирок этишдан асосий мақсадим ҳам бу борадаги билим ва кўникмаларимни янада мустаҳкамлаш эди. Танловнинг барча иштирокчилари шу мақсадга эришди, деб ўйлайман.

Шунингдек, тадбирда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси, юридик фанлар доктори Омина Каримова, Темурийлар тарихи давлат музейи етакчи илмий ходими Омонулло Бўриев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинар якунида маҳаллий партия кенгашларида партия аъзолари ва електорат вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган тадбирларни тизимли ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш билан боғлиқ қатор масалалар белгиланган. Айни пайтда бу вазифалар партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, «Фаол аёллар» қаноти орқали амалга ошириб келинмоқда. Партия сафидаги етакчи аёллар фаоллиги партия Сайловолди дастурининг ҳаётда ўз ифодасини топишида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хотин-қизларнинг сиёсий ва касбий фаоллиги

партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан етакчиларнинг сиёсий ва касбий салоҳиятини оширишга бағишланган семинар-тренинг айнан ана шу мақсадда ташкил этилди.

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг иштироки тобора фаоллашиб бораёпти, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов**. — Партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчи аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа муҳим вазифалар белгиланган. Жойларда ўтказилаётган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, фаол аёлларимизнинг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш, Тошкент вилоятининг 18 та туман ва шаҳар партия кенгашида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ўзаро тажриба алмашиши учун мактаб вазифасини ўтайди.

Семинар-тренингда «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ва фаолларининг ташкилотчилик ҳусусиятларини ривожлантириш, сиёсатчи аёлларнинг партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаридахон ЖҲРАБЕКОВА,

халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Бундай ўқув-семинарлар хотин-қизларнинг қизиқиш ва имкониятларини тўғри йўналтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш, аёллар орасидан етакчилик салоҳиятига эга бўлганларни аниқлаш, келгусида партия ташкилотларида ишлаш, депутатликка номзод сифатида тайёрлаш, партия дастурий мақсадлари тарғиботини янада кучайтиришга хизмат қилади. Қанот томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирларни қандай ўтказиш, режа тузиш, қўзланган натижага эришиш учун айнан нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қўллаб-қувватлаш билдирилмоқда. Менга, айниқса, сиёсий имиджни шакллантириш, етакчи аёлларнинг ЎзХДП мафкурасини тарғиб қилишда сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш тўғрисидаги маъруза ёқди.

Дилором САЛИМОВА,

«Фаол аёллар» қаноти Қийрат туман бўлими етакчиси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси:

— Аёл маънавияти, ахлоқи ҳаётимизни, турмуш тарзини беэайди. У, энг аввало, ўз уйида фаол бўлиши, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ўртбосимиз ҳар бир қизиқишда мамлакатимизда бугунги кунда эришилган ютуқларда аёлларнинг иштирокини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг барча соҳаларда фаоллиги кучайишидан бутун жамият манфаатдор бўлади. Шундай экан биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида қанот фаоллари ва депутатлар шунга алоқадор бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтирса, бу ўз-ўзидан кўп муаммолар ечим топишга замин яратади. Бугунги тадбирда аёлларни йўналтираётган, қизиқтираётган бошқа масалалар хусусида фикр алмашиб, муаммолар ечим бўйича ҳаётий таклифлар берилгани келгусида фаолпартияимизни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Гулшан АСАТОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудир:

— Жойларда тадбирларни шунчаки номига ўтказишдан ҳеч кимга наф йўқ. Ҳўш, бунинг учун нимага эътибор қаратиш лозим? Нима қилсак қанот фаоллияти самарадорлиги ошади? Менимча, аввало, тадбирларни режалаштиришда ундан аниқ мақсадни қўзлаш, шунга мувофиқ мутасадди ташкилотлар, айниқса, депутатлик гуруҳлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз талаб этилади.

Орзигул АЗИМОВА,

халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Семинар давомида кўп нарсани ўргандик. Кичик гуруҳларда ўзаро тажриба алмашидик. Фаолпартияимизга оид таклиф ва эътирозлар билдирилди, ҳатто танқид қилинди. Камчиликларни бартараф этишда умумэтироф этилган илгор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бу таклифлар «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ва биз депутатлар фаолпартияимизни кучайтиришга хизмат қилади.

Семинар-тренинг интерфаол усулларда ўтгани билан барчага маъқул келди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган фаол аёллар ўзаро фикр алмашди. Шунингдек, қанот етакчилари ташкилотчилик кўникмалари ва сиёсий билимлари, нотиклик маҳорати ҳамда лидерлик сифатларини янада ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар.

Семинар якунида «Фаол аёллар» қаноти фаолпартияимизни янада такомиллаштириш, янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Басандабону ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқий билимлар синови

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши Ўрта махсус касб-хунари таълими бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Конституция билимдони» кўрик-танловини ўтказди.

Унда шаҳардаги академик лицей ва касб-хунари коллежлари ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билими-

ни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бўлаётган демократик ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, қонунларга ҳурмат руҳи-

Меҳр ва эътибор

Бола кўнгли ўта нозик бўлади, кичкина меҳр ва эътибордан ҳам тўлқинланади. Шу боис ҳамиша уларга шодлик улашишга, ғамхўрлик қилишга интиламиз.

ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти шу мақсадда Уч тепа туманидаги 106-сон заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда тадбир ўтказди. Унда «Истикбол»

фаоллари турли интерфаол ўйинлар, саҳналаштирилган чиқишлар билан ўқувчиларга қувонч улашиб, кўнгилларини хушнуд этди. Болажонлар ҳам ўзлари тайёрлаган сахна кўри-

Фаолиятимиз янада кучайиши керак

Тадбирда Конституция, қонунларимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатлангани, улардан унумли фойдаланиб, давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида аёллар янада фаол иштирок этишлари кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ихросини таъминлашда «Фаол аёллар» қаноти иштироки таҳлилий кўриб чиқилди. Қанот фаолиятини янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар тингланиб, галдаги вазифалар белгилани олинди.

Жамила ШУКУРАЛИЕВА, «Фаол аёллар» қаноти Жиззах вилояти бўлими етакчиси.

КОНСТИТУЦИЯ ВА «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»

Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

Маданий мерос

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши, жамиятнинг тараққий этиши мамлакатда амалда бўлган қонунчилик билан боғлиқдир. Қарерда қонунлар халқ манфаатларига хизмат қилса, адолат тамойиллари асосига қурилса, ўша юрtdа аҳоли фаровон яшайди. Шу маънода, Бош Қомусимиз — Конституциямизда ҳам халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқ ва бурчлари, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, эркин яшashi, меҳнат қилиши, илм олиши учун барча ҳуқуқий асослар белгиланган.

Тарихдан маълумки, тинч, озод, обод мамлакатларда, аввало, қонун устуворлиги таъминланган, муайян ҳуқуқий тизим яратилган бўлади. Бу борада буюк боболаримиз томонидан тўплаган бебаҳо тажрибалар бугунги кунларимизда ҳам бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёнинг энг йирик салтанатларидан бири бўлган Амир Темур давлатида аҳоли фаровон яшаган,

илм-фан, маданият, савдо-сотиқ тараққий этган. Бу аввало, Амир Темурнинг адолат мезонлари, қонун-қоидалар асосида иш олиб боргани билан изоҳланади.

Амир Темур даврида яратилган бебаҳо мерос — «Темур тузуклари» ҳам ўша даврнинг ўзига хос Конституцияси эди. Бу асар бугун ҳам нафақат давлат бошқарувида, балки шарқона демократия, миллий менталитет тамойилларига асосланган ҳолда мамлакатни идора этишнинг бетакрор услуби, намунаси сифатида бутун дунёда эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди» дейилган. «Темур тузуклари»да эса бу тамойил қуйдагича:

«Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тиланган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳолидан огоҳ бўлиб турдим».

Конституциямизнинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади», дея кўрсатилган. «Темур тузуклари»да эса ўз даври таомилига кўра, давлатни ҳокими мутлақ бошқарса ҳам, ўз даврига хос ҳокимиятларнинг бўлиниш принциби бўлганини, ҳар бир мансаб ва унвон эгаси ўз ваколати доирасида фаолият юритганини кўрамиз: «Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозими ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмайди».

Конституциямизнинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг устулиги сўзсиз тан олинади» дейилган. «Темур тузуклари»да ушбу принцип

қуйдаги кўринишда келтирилган: «Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва макомимни мустақкам ушлаб турдим, Салтанат мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашшига ҳеч кимсаннинг қурби етмасди».

Конституциямизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллиати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар факат қонун билан белгиланиб қўйлади ҳамда ижтимоий адолат принципига мос бўлиши шарт» дея алоҳида келтирилган. «Темур тузуклари»да эса: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; сайида-ларини, уламолари, фузалолар ва машайхига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим; ўша вилоятларнинг улуғларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», дея

таъкидланади.

Амир Темур давлатининг марказий ва маҳаллий бошқарув органлари тузилиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига бўйсунадиган ва бўйсунмайдиган идоралар, уларнинг сиёсатда мувофиқлаштирилиши, давлат, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлигининг таъминланиши, уларнинг ечимлари масалалари бугун ҳам ўз аҳамияти ва моҳиятини сақлаб қолган.

Амир Темур давридаги «девор», «вазир», «ҳоким», «ғазначи» каби мансаб ва унвонлар бугун ҳам давлат бошқарув тизимида алоҳида институтлар сифатида шакллантирилган. Шунингдек, мамлакатнинг вилоят ва туманларга бўлиниши ҳам тарихий асосларига эга. Бугунги Олий Мажлис — «Қурултой» сиёсий институтининг тараққий этган ва ривожланган шаклидир.

Хулоса қилиб айтганда, биз бой маданий меросга эга бўлган халқимиз. Бугунги мустақил тараққиёт йўлимиз ҳам ўзига хос буюк давлатчилигимиз тарихи ва анъаналари билан уйғунлашгандир. Пойдевори мустақкам иморат асрлар давомида, минг йиллар қад ростлаб туради. Илдири бақувват, тарихий хотираси боқий халқ ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори.

Ўзбекистонда болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси юксак даражада

Бу халқаро экспертларнинг фикри

Ҳинчи бор ташкил этилган форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенаторлар, вазирликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Греция ва Исроилдан ташриф буюрган олимлар ва мутахассислар Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Роберт ФУДЕРИЧ, ЮНИСЕФнинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
раҳбари:

— Болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига бутун дунёда жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларни алоҳида таъкидлаш зарур. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган, ҳимояга муҳтож одамлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. ЮНИСЕФнинг асосий мақсади ҳам дунё болаларининг ижтимоий ҳимоясини мустақкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда бу борада қўллаб-қўллашларда иш олиб борилаёпти. Ўйлаيمانки, бу ҳаракатлар албатта ўз мевасини беради.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири

Биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган халқаро ташкилотлар билан доимий равишда фикр алмашиб тураимиз. Чет эл тажрибасини мунтазам ўрганиб, ўзимиз учун керакли бўлган жиҳатларни мослаштиряпмиз. Форум давомида алоҳида секцияларда қўрилган ишлар юзасидан қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш борасида таклифлар ўртага ташланди. Биз уларни жамлаб, Қонунчилик палатасига топширамиз.

Светлана ОРТИКОВА, Олий Мажлис
Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси:

— Мазкур халқаро форумнинг аҳамиятли томони шундаки, биз аввало ёшлар ва болалар ижтимоий ҳимояси борасида жаҳон тажрибасини ўрганаимиз. Шу билан бир қаторда, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни ҳамкорликда таҳлил қиламиз. Бизда болаларнинг ҳуқуқлари Конституция орқали мустақкамланган. Шунингдек, ёшлар ва болалар ижтимоий муҳофазасининг яратилган ҳуқуқий асослари миллий анъаналар асосида шаклланди. Дунё ҳамжамияти алоҳида эътибор қаратадиган яна бир масала шундаки, биз жаҳон болаларини турли иллатлардан, ёт ғоялардан сақлаш орқали ўз келажагимизни яратган, асраган бўламиз.

Татьяна ЛИСОВСКАЯ,
Белорусь:

— Ўртада амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолайман. Мен минглаб километр масофа босиб келдим. Ўзбекистон халқига онамнинг саломини ва чексиз ташаккурини билдирмоқчиман. Бувим иккинчи жаҳон уруши даврида 4 йил Тошкентда яшаган. Ўша давр мобайнида ўзбеклар уларга ҳар томонлама ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган. Бекорга Тошкентни нон шаҳри дейишмаганига ўзим ҳам гувоҳ бўлаяпман. Уруш даврида фронт ўчоғи бўлган қўллаб-қувватлашда бу ерга минглаб болалар кўчириб келтирилган. Ўзбек халқи уларга нон берган, бағрига босган. Назаримда, ўзбек халқидек болажон халқ ер юзиде бўлмаса керак. Ўзбекистонда ёшлар ва болалар муҳофазаси борасида бой тажриба тўплаган.

Асилбек ХУДАЯРОВ, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизини болалар, 65 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Халқимиз соғлигини сақлаш юзасидан Президентимиз томонидан имзоланган қонун ва фармонларда, айниқса, ёшлар ва болалар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган. Илгари оғрикли бўлган қишлоқ аҳолиси соғлигини сақлаш масаласида ҳам улкан ислохотлар ўтказилди. Ўртимизнинг энг чекка ҳудудларида қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. У ерда керакли барча тиббий жиҳозлар



мавжуд. Сўнгги 10 йилда Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам кўрсатиш янги даражага чиқди. Ушбу муассасаларда тез ва аниқ ташхис қўйишга мўлжалланган барча жиҳозлар бор. Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, «Соғлом она — соғлом бола» ғоясига қаратилган.

Солеме ВАДОЧКОРИЯ,
Грузия:

— Ёшлар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишдик. Айтиш кераки, юртингизда бу борада олиб борилаётган ишлар ўзига хос ва таҳсинга лойик. Кеча Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида бўлдик. У ерда яратилган шароитлар аъло даражада. Мен Ўзбекистон тажрибасини диққат билан кузатдим. Албатта, улар ичида Грузияда амалга татбиқ қилишимиз керак бўлганлари кўп. Мазкур форумнинг соҳа мутахассислари учун аҳамиятли томони — биз турли мамлакатлардан келган мутахассисларнинг фикрларини тинглаймиз, ўша мамлакат тажрибаси билан танишяпмиз. Шундай шароит яратиб берган ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Айтекин ХУСЕЙНЛИ,
Озарбайжон:

— Болаларни ҳимоя қилиш масаласида давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистонда барчаси жойида эканлигини яхши биламиз. Ўртада ҳимояга муҳтож болалар ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. Улар учун Меҳрибонлик уйлари фаолият олиб бормоқда. Лекин истардики, нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун дунёдаги Меҳрибонлик уйлари ёпилсин ва болалар оилада яшасин. Чунки Меҳрибонлик уйларида қанчалик зўр шароитларни яратманг, бола учун оиладек бўлмайди. Шу сабабли ҳам биз болаларнинг ота-она қарамоғида яшашига интилишимиз керак.

Ақтам ХАЙТОВ, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли:

— Президентимиз томонидан илгари сурилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири ижтимоий ҳимоя ҳисобланади. Бизда ёшлар бандлиги масаласига катта эътибор қаратилади. Чунки иш билан

таъминланишнинг ўзи ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўлидир. Ҳар йили юртимизда 950-980 минг янги иш ўрни яратилади. Кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хорижий экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Уларга доимий равишда молиявий ёрдам кўрсатишмоқда. Жисмоний имконияти чекланган болаларни жамиятга яқинлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаёпти. Уларнинг саломатлигини таъминлаш учун реабилитация марказлари доимий равишда ишлаб турибди. Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тўлиқ давлат назоратида.

Юлия БАБАЕВА, Россия:

— Ўзбекистонда болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси юксак даражада. Айниқса, бунга маҳалланинг иштироки ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муассасаларининг ўз хиссасини қўшаётгани аjoyиб иш бўлибди. Ўртада 65 фоиз аҳоли ёшлар экан. Дунёнинг қўллаб-қувватлашда қариялар қўлайиб бормоқда. Ўзбекистон эса — ёшлар мамлакатидир. Бу — келажақ, таррақиёт асоси дегани.

Валерия МЕЛКОНЯН, «Sen yolg'iz
emassan» республика болалар жам-
ғармаси координатори:

— Ушбу форум анъанана кирди. Ўтган йиллар давомида дунёнинг ривожланган мамлакатларидан қўллаб-қувватлаш шароити юртимизга ташриф буюрди ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Билдирилган таклифлар ичида ўринли деб топилганлари беъэтибор қолмайди. Форум доирасида хориждан келган меҳмонлар болаларнинг ижтимоий ҳимояси борасида юртимизда йўлга қўйилган тизимга қўйил қилишмоқда. Айниқса, бу борада ҳеч бир ташкилот четда турмаётгани уларнинг эътиборини тортиди. Бу, албатта, қилинган ишларнинг халқаро эътирофидир.

Форум давомида қўллаб-қувватлаш масалалар муҳокама қилинди. Таклифлар ўртага ташланди.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.«Оила жамиятнинг
асосий бўғинидир
ҳамда жамият ва
давлат муҳофазасида
бўлиш ҳуқуқига эга»Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 63-моддаси.Янги бахт
уйида илк
никоҳ

Бош Қомусимиз қабул қилинган йилнинг 21 йиллиги арафасида Олтинсой тумани марказида фойдаланишга топширилган ФХДЭ янги биносиде дастлабки қайд қилинган никоҳланувчилар «Янги қурилиш» маҳалласида истиқомат қилувчи Шерали Бекназаров ва Ҳалимаҳон Омоновалар оиласи бўлди.

— Оиламизнинг рўйхатга олинishi ушбу муҳташам бахт уйи очилиши тантанасига тўғри келгани бир умр ёдимиздан чиқмайди, албатта, — дейди Шерали Бекназаров. — Келажақда бу маскан туманимиздаги барча ёшларнинг энг муқаддас жойларидан бири бўлиб қолишига шубҳам йўқ. Ундаги жозиб ва улғурворлик оиланинг муқаддаслигини яна бир бор таъкидлаб, ўқтираётгандек... Бахт уйи биз, ёшларга аjoyиб тўхфа бўлди.

Мазкур иншоотнинг лойиҳа қиймати 650 миллион сўмдан ортик бўлиб, уни Термиз шаҳридаги «Саодатбону-Азиза-Термиз» хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этди. Икки қаватдан иборат мажмуада никоҳни қайд этиш зали, оила дорилфунуни хонаси ва бошқа барча шароит ҳамда қўлайлик яратилган.

— Ушбу қошона Асосий қонуни-мизда оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги ва оилалар бахти учун керакли шарт-шароит яратиш тўғрисидаги Конституциявий қафолнинг амалдаги ижроси ҳисобланади, — дейди Олтинсой туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими раҳбари Самандар Рашидов. — Унда Ўзбекистоннинг минглаб бахтли оилалари қайд қилинади ва бу оилалар мамлакатимиз салоҳиятини оширишига, жамиятимиз пойдеворини янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

(Ласоси. Боши 4-бонда.)

8


декабрь —
Конституция куни

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

**Муқаддас заминимизда
истиқомат қилаётган
барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинган куннинг**

**21 йиллиги билан
муборакбод этади.**

**Бош Қомус — барча ютуқларимиз кафолати ва
асоси сифатида ҳамиша бизни юксакликларга
чорлайверсин!**



**Байрамингиз
қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**



«Соғлом авлод учун»
кубогида

Пойтахтимиздаги «Кушбеги» болалар спорт мажмуида ўсмирлар ва қизлар ўртасида стол тенниси бўйича анъанавий «Соғлом авлод учун» кубоги республика турнири ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Стол тенниси федерацияси ҳамкорлигида ўнинчи мартаба ташкил этилган мазкур мусобақа Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ўн икки ёшгача бўлган 56 нафар ўғил-қиз ғолиблик учун майдонга тушди.

Икки кун давом этган му-

собаканинг ўғил болалар ўртасидаги бахсларида қорақалпоғистонлик Мухриддин Ражабов бош совринга сазовор бўлди. Самарқандлик Меҳржон Шамсиддинов кумуш, фарғоналик Бехзод Адхамжонов эса бронза медали билан тақдирланди.

Жуфтликлар ўртасидаги учрашувлар ҳам мурасиз кечди. Унда фарғоналик Бехзод Адхамжонов ва Умар Хусанов «дуэти»нинг кўли баланд келди.

Қизлар ўртасида Сўғдиёна Мадалиева (Наманган) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, андижонлик Хуснора Эминова ҳамда бухоролик Шаҳноза Баҳодировалар кейинги фахрли ўринларни эгаллади.

Наманганлик Сўғдиёна Мадалиева тенгқури Умида Шаропова билан жуфтлик бахсларида бош совринни кўлга киритди.

Эркин ХОЛБОБОВ



М.АМИН (Уш) олган суратлар.

«ХОРАЗМ ҲУДУДИЙ
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
ОАЖ ЖАМОАСИ



юртдошларимизни,

соҳа ходимларини Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул

қилинган куннинг 21 йиллиги байрами

билан муборакбод этади!



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»



акциядорлик компанияси

UZMOBILE

филиали жамоаси

ватандошларимизни

мамлакатимиз

Конституцияси куни билан

табриклайди!

ЖАННАТМАКОН
ДИЁРИМИЗДА
ТИНЧЛИК ВА
ОСОЙИШТАЛИК
ҲАМИША БАРҚАРОР
БЎЛСИН!



XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат
Халқ банки

ҳамюртларимизни Бош Қомусимиз қабул
қилинган кун билан қутлайди!

Биз сизга хизмат кўрсатишдан ҳамда
ишончингизни оқлашдан мамнунмиз.



Доим Сиз билан бирга!

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ktibiyot — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246
10247
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 02.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI